# ВАЛЮТАМИЗНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ ҲАММАМИЗГА БОҒЛИҚ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Сўм-купон муомалага киритилиши билан қатъий пул-кредит сиёсати асосида инфляцияни пасайтириш ва сўмни эркин айирбошланадиган валюталар қаторига қўшиш асосий стратегиямиз қилиб белгиланди. Миллий валютамизнинг жорий этилишининг икки поғонали стратегияси мустақил пул-кредит сиёсати юргизишга, бозор иқтисодига мувофиқ пул-кредит сиёсати воситаларини жорий этишга, яъни уларни ўтиш даврига мослаштиришда катта замин яратди.

1994 йилда Марказий банк пул-кредит сиёсатини иқтисодиётнинг кредит маблағларга бўлган талабини қондиришдан миллий валютани мустаҳкамлашга ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга йўналтириш бўйича муҳим ишларни амалга оширди. Бу соҳада халқаро молия ташкилотларининг, яъни Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки тавсиялари ўз аксини топди. Марказий банк 1994 йил давомида қатъий фоиз сиёсатини олиб борди, марказлашган кредитлар бериш сезиларли даражада қисқарди ва кенг миқёсда кредит аукционлари ўтказила бошлади. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва резерв талаблари нормаси кўтарилди. Бу эса Марказий банкка 1994 йилда 1993 йилга нисбатан инфляция жараёнларини пасайтириш имконини берди.

**— Пулнинг қадрсизланиши, яъни инфляция пасайиши юзасидан қандай чора ва тадбирлар кўрилмоқда?**

— Миллий валютага ўтиш иқтисодий ислоҳотларнинг навбатдаги босқичларидан бири сифатида биздан мўътадил, чекланган кредит сиёсатини амалга оширишни талаб этди. Ҳаддан ташқари пул массасини чеклаш иқтисодий ўпирилишларга ва ижтимоий танглликка олиб келишини бошқа республикалар мисолида кўрдик. Шу муносабат билан Марказий банк ўз фаолиятида пулнинг қадрсизланишига қарши йўналтирилган пул-кредит сиёсатини иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар билан мувофиқлаштириб ва узвий боғлаб олиб борган тақдирдагина бу сиёсат муваффақиятли амалга ошади, деган тамойилга асосланди. Шунинг учун ҳам пул массаси ўсишининг аниқ мақсадга қаратилган йўналишларини белгилаб, Марказий банк кредитларини қисқартириш чораларини кўрдик.

Бу тадбирлар Ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган бўлиб, уларни амалга ошириш учун пул-кредит сиёсатининг чора-тадбирларидан фойдаланилмоқда. Бунда Марказий банкнинг тижорат банкларига (улар орқали халқ хўжалигига) берадиган кредитларнинг ўсишига сон жиҳатдан муайян чекловлар белгиланди. Бу эса, пул қадрсизланишининг кўрсаткичлари ва иқтисодий ўсишни энг қулай тарзда мувофиқлаштиришга хизмат қилмоқда.

Инфляцияни пасайтириш стратегиясидан келиб чиқиб, Марказий банк сўмнинг қадрини мустаҳкамлаш ва пул эмиссиясини тугатиш мақсадида марказлашган ресурсларни ажратишни кескин тугатиш мақсадида марказлашган кредит ресурслари ажратишни кескин камайтириб бормоқда ва улар фақат республиканинг стратегик соҳаларига йўналтирилмоқда. Шу билан бирга, реал фоиз ставкаларининг шаклланиши эса хўжаликларни кредитлардан ва ўз маблағларидан самарали фойдаланишга мажбур қилмоқда.

Нақд пул муомаласини барқарорлаштиришда Вазирлар Маҳкамасининг эмиссияни камайтиришга қаратилган 526-сонли қарори талаблари асосида муайян ишлар олиб борилмоқда. Эмиссиянинг харажатлардаги улуши ўтган йилнинг IV чорагида 23 фоиз бўлган бўлса, шу йилнинг I чорагида 17 ва май ойида 3,7 фоизни ташкил этди.

Шуни айтиш керакки, қатъий пул-кредит сиёсати юргизиб, инфляцияни жиловлашдан мақсад меҳнаткашларнинг ҳалол меҳнат билан топилган маблағларини қадрсизланишдан ҳимоялашдир. Ўз навбатида инфляцияни пасайтириш орқали сўмнинг ички айирбошланишини таъминлаш миллий иқтисодиётимиз ривожини ва халқимиз фаровонлигининг ўсишини янада тезлаштиради.

Қатъий молия ва пул-кредит сиёсати 1995 йилдан бошлаб мантиқий равишда чуқурлашиб бормоқда. Шу сабабли, пул муомаласида ижобий натижалар кўзга яққол ташланмоқда. Хусусан, ойлик инфляция даражаси январь ойидаги 17,6 фоиздан май ойида 4,4 фоизгача тушди. Президентимиз Халқаро валюта фонди раҳбари М. Камдессю жанобларини қабул қилганларида эса, у республикамиз келажагига, сўмнинг истиқболига юқори баҳо берди. Бу Ўзбекистон Ҳукумати ва Марказий банк иқтисодий ислоҳотлар йўлидан тўғри кетаётганини кўрсатади.

Хусусан, Жаҳон банки ислоҳотларни чуқурлаштиришга 187 млн. доллар ажратди. Халқаро валюта фонди билан шартнома имзоланиб, ҳозирги кунгача имтиёзли кредитларнинг биринчи қисми — 74 млн. доллар олинди.

Ўзбекистондек мамлакат учун бу кредитларнинг миқдори эмас, балки халқаро ташкилотларнинг бизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни тан олиши аҳамиятлироқдир. Ушбу шартномалар Ўзбекистон Ҳукумати иқтисодий сиёсатининг тўғрилигини яна бир карра исботлайдиган ва бизнинг молиявий барқарорлигимизни ишбилармонлар дунёсига очиқ кўрсатадиган ҳужжатлардир.

**— Сўмнинг эркин айирбошланишига эришиш истиқболи бўйича фикрингизни ҳам билмоқчийдик.**

— Миллий валютамиз муомалага киритилган кундан бошлаб республика Ҳукумати ва Марказий банкнинг бу соҳадаги бош мақсади сўмнинг ички айирбошланишини таъминлаш, деб белгиланди.

Бизнинг изланишларимиз шуни кўрсатдики, фақат мавжуд олтин-валюта захиралари ҳамда халқаро ташкилотларнинг кредитларига таяниб, сўмнинг ички айирбошланишига ва иқтисодий ўсишига эришиш амримаҳолдир. Шунинг учун биз импорт ўрнини босувчи тармоқларни қўлладик ва шу тариқа эркин айирбошлашдан валютага бўлган катта талабни камайтирдик. Акс ҳолда, Марказий банкнинг валюта захиралари нефть, газ ва доннинг зарур миқдорда импорт қилинишини кўтара олмасди.

Сўмнинг эркин айирбошланиши масаласига Марказий банк нуқтаи назаридан қараганимизда, қатъий пул-кредит сиёсати юргизиб, эмиссияни қисқартириш ва инфляцияни пасайтириш ва шу асосда сўмнинг валюта курси барқарорлигини таъминлаш энг долзарб вазифадир. Шуни очиқ айтишимиз керакки, қатъий пул-кредит сиёсати юргизиш ҳозирги даврда маълум қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Бироқ инфляция билан боғлиқ салбий жараёнларнинг оқибатлари ундан бир неча баробар оғирроқдир. Инфляция даражаси юқори ҳамда ўзгарувчан шароитда сўмнинг валюта курси беқарор бўлади, келажакни молиявий режалаштириш қийинлашади, инвестициялар ҳажми камаяди, оборот маблағлар қадрсизланади, иқтисодиётда олди-сотди операциялари кенг тус олади ва кредит ставкалари кўтарилади. Юқори фоиз ставкаси шароитида эса ишлаб чиқариш лойиҳаларининг ўзини оқлаши қийинлашади.

**— Бозор иқтисодиёти шароитида ҳисоб-китобларнинг тез ўтиши, янги-янги тўлов шаклларини жорий этиш ва компьютерлаштиришнинг аҳамияти жуда катта. Шундай эмасми?**

— Миллий валютамиз — сўмнинг муомалага киритилиши биланоқ, собиқ Иттифоқ давлатлари тажрибасини атрофлича ўрганиб чиқиб, улар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни такрорламаслик ва пулимиз қадрини сақлаш мақсадида ҳисоб-китоб шакллари такомиллаштирилди, тўлов талабномалари товар-моддий бойликлар учун бекор қилинди, банк векселлари жорий этилди, чек билан ҳисоб-китоблар кенгайтирилди ва банк тизимида электрон тўловлар тизимини жорий қилиш юзасидан катта тадбирлар амалга оширили.

Ўзбекистон банк тизимида электрон тўловларининг жорий қилиниши ҳисоб-китоблар ўтишини тезлаштирди. Ҳозирги кунда, республика банклари ўртасида тўловларнинг ўтиши ўртача 5-8 кунни ташкил қилаётган бир пайтда электрон тўловлар тизимига қўшилган банк бўлимларида бу кўрсаткич ўртача 2-3 кунни ташкил этмоқда. Мамлакатимизда эса бугун тижорат банкларининг 560 та бўлими бўлиб, уларнинг 340 таси электрон тўлов тизимига қўшилган.

Республика Марказий банки тўловлар ўтишини тезлаштиришда жаҳон банклари кўрсаткичларига эришиш мақсадида шу йилнинг 1 октябригача тизимнинг асосий қисмини электрон тўлов тизимига қўшиш ва йил охиригача эса барча банк бўлимларида бунга тўлиқ муваффақ бўлиш учун барча чораларни кўрмоқда. Бунинг учун ҳамма имкониятларимиз мавжуд. Хусусан, банк инфраструктурасини ривожлантириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ниятида банкларнинг барча солиқлардан озод қилинишини айтиб ўтиш мумкин. Банклар ихтиёрида қоладиган бу маблағлар банк тизимини автоматлаштириш ва компьютерлаштириш тадбирларига сарфланмоқда.

1995 йилда олдимизда турган асосий вазифалардан яна бири — жаҳон стандартларига жавоб берадиган янги бухгалтерия ҳисоби режасига ўтишдир. 1994 йили Жаҳон банки ташаббуси билан дунёнинг йирик фирмалари ўртасида бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва аудиторлик хизматини такомиллаштириш бўйича танлов ўтказилганди. Биз унинг ғолиби — АҚШнинг «Артур-Андерсен» фирмаси билан шартнома имзоладик. Ушбу шартномага кўра, мазкур фирманинг ходимлари билан ҳамкорликда шу йилнинг 16 январидан бошлаб янги ҳисоб режасини жорий қилиш ва бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва аудиторлик хизматини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш борасида иш олиб борилмоқда.

**— Файзулла Мақсуджонович, маълумки, ривожланган банк тизими бозор иқтисодиётининг ажралмас қисмидир. Бу соҳада қилинган ва қилинмоғи керак бўлган ишлар хусусида нималар дея оласиз?**

— Бу соҳадаги асосий вазифа — сўмнинг қадрини мустаҳкамлаб, республика банк тизимини ва мижозларга хизмат кўрсатиш даражасини халқаро андазаларга мослаштиришдир. Ана шу вазифани бажариш асносида ўтган йили тижорат банклари ўртасида рақобатни кучайтиришга, янги банклар ташкил этилишига кенг йўл очилди. Натижада «Мевасабзавотбанк», «Савдогарбанк», «Ғаллабанк», «Алоқабанк», «Трансбанк» ва бошқа банклар пайдо бўлди. Айни пайтда Ўзбекистонда 30 та банк ишлаб турибди, шулардан иккитаси «Ўзбек-турк» ва «Ўзбек-голланд» қўшма банкларидир.

Ўйлайманки, банкларнинг кўпайиши, айниқса, қўшма банклар тизимида рақобатни кучайтиради, янги-янги банк хизматлари турларини ҳаётга жорий этишга ва бу билан иқтисодиётнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини қондиришга кўмаклашади.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Биз сунъий равишда банклар сонини кўпайтириш йўлини танламадик. Ҳолбуки, биздаги банклар кўплаб филиалларга эга. Масалан, ҳатто янги очилган «Савдогарбанк», «Ғаллабанк» ва «Мевасабзавотбанк»нинг ҳар бир вилоятда, кўплаб шаҳар ва туманларда ўз бўлимлари мавжуд.

Миллий валютамизнинг бир йил муомалада бўлганлиги ҳақидаги фикрларимга якун ясаб, шуни айтишим мумкинки, сўмнинг қадр-қиммати кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда, пулнинг қадрсизланиши эса ой сайин пасаймоқда ва йил охирига бориб, инфляциянинг ойлик даражаси икки фоизга тушишини режалаштирмоқдамиз. Миллий валютамиз — сўмни барқарор муомалада бўлиб, эркин айирбошланишига эришиш нафақат банкчилар ва молиячиларнинг, балки ҳаммамизнинг бурчимиздир. Шу боис муштарийларни ушбу қутлуғ кун билан табриклаб, миллий иқтисодиётимиз ривожи йўлидаги фаолиятларида каттадан-катта муваффақиятлар тилаб қоламан.

**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири**
**Раъно ТОЖИАЛИЕВА**
**суҳбатлашди.**

*• Ўзбекистон ва жаҳон*



# БОЖХОНА ХИЗМАТИ: ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

***Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатда олиб бораётган тўғри йўли, сиёсий барқарорлик, иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақият билан амалга оширилаётгани хорижий давлатлар доирасида мамлакатимиз обрўсининг ошишига сабаб бўлмоқда.***

***Яқинда Брюссел шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон Божхона ташкилоти (ББТ) Кенгашининг сессиясида ушбу нуфузли ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган бир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бош божхона бошқармаси бошлиғи С. А. Олимбоев раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегацияси ҳам иштирок этди. Мухбиримиз делегация раҳбари билан учрашиб, у кишига бир неча саволлар билан мурожаат қилди.***

**— Собит Аҳмадович, аввало, мазкур ташкилот тўғрисида гапириб берсангиз?**

— Жаҳонда божхона тизимини бирлаштириш, уни норасмий бошқаришга 1950 йилнинг 15 декабрида ташкил этилган Божхона Ҳамкорлиги Кенгашининг (БҲК) дастлабки мажлисида пойдевор қўйилган. Мажлисда конвенция имзоланиб, Кенгаш таъсис этилди. 1953 йилнинг 26 январида эса Кенгашнинг таъсис сессияси бўлиб ўтди. Ўттиз йилдан сўнг эса, 1983 йил 26 январь — Халқаро божхона ходимлари куни этиб белгиланди. Бугунги кунда 137 давлат ушбу Кенгашга аъзодир. Ўтган йилнинг июнь ойидан бошлаб Кенгашнинг номи норасмий тусда Бутунжаҳон Божхона ташкилоти (ББТ) деб атала бошлади.

**— ББТнинг асосий вазифаси нималардан иборат?**

— У божхона ташкилотларининг ҳамкорлиги соҳасидаги барча масалаларни ўрганади, божхона тизимига алоқадор бўлган техник аспект ва иқтисодий жиҳатлар, конвенция лойиҳасини ишлаб чиқади, конвенцияни изоҳлашда ва қўллаш бўйича пайдо бўлган баҳсли масалаларни ҳал этишда тавсияномалар тарқатади, божхона процедураси ва бошқа шу каби масалалар борасида ахборот етказиб беради.

Кенгаш қирқ йилдан ортиқроқ фаолияти давомида божхона қоидаларининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қиладиган, айни пайтда товар айирбошлашни жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этадиган 17 халқаро конвенция ва 50 дан ортиқ тавсияномаларни ишлаб чиқди. ББТнинг қароргоҳи Брюссел шаҳрида жойлашган бўлиб, у йилига бир марта, одатда июль ойида ўз сессиясини ўтказади. Унда ББТга аъзо давлатларнинг божхона маъмурияти раҳбарлари иштирок этади. ББТнинг асосий таркиби молиявий ва сиёсий қўмитадан иборат. Ташкилот ўз фаолиятини техник қўмиталар орқали олиб боради. Унинг раҳбариятини Секретариат ташкил этиб, Бош котиб 5 йил муддатга сайланади. Айни пайтда Ж. Шавер (АҚШ) Бош котиб вазифасида. Шунингдек, унинг қитъада минтақавий қўмиталари ҳам мавжуд.

**— Мамлакатимиз ББТга қачон қабул қилинган?**

— Бу қувончли воқеа 1992 йилда бўлиб ўтган ББТнинг сессиясида юз берди. Шундан буён мамлакатимиз ушбу халқаро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Шуни айтиш керакки, МДҲ доирасида бундай шарафга барча мамлакатлар ҳам сазовор бўлгани йўқ.

Биз ББТга аъзо бўлгандан буён ушбу ташкилотдан турли хил масалаларда кўплаб методик маслаҳатлар ва ахборотлар олдик.

**— ББТнинг охирги сессияси қандай ўтди?**

— 18—21 июнь кунлари Брюсселда бўлиб ўтган Кенгаш сессиясида 137 давлатдан вакиллар иштирок этди. Ўзбекистон делегациясининг асосий вазифаларидан бири Сиёсий комиссияга янги аъзолар қабул қилинадиган сайловда қатнашиш эди. Чунки худди ана шу комиссия халқаро ташкилотнинг стратегияси ва сиёсатини белгилар, номзодлар орасида Ўзбекистон Республикаси ҳам бор эди.

Қувонч билан таъкидлаш жоизки, ташкилот раҳбарияти ҳам, ББТга аъзо кўплаб мамлакат делегациялари — Европа давлатлари, АҚШ ва бошқалар Ўзбекистонни ББТнинг Сиёсий комиссияси таркибига киритишни қўллаб-қувватладилар. Шундай қилиб, Ўзбекистон ББТ обрўли органининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Шу билан бирга, ушбу ташкилот билан турли йўналишларда янада қалинроқ алоқа боғлаш ва ҳамкорлик қилиш имконияти туғилди.

**— ББТ комиссияси билан ҳамкорлик хусусида гап очдингиз. Шу ўринда бизни наркотик контрабанда билан кураш масаласи ҳам қизиқтиради.**

— Наркобизнесга қарши курашни кучайтириш масаласи ББТни ҳам ташвишлантирмоқда. Афсуски, кейинги пайтларда Ўзбекистон ҳудудидан тез-тез наркотик моддаларни ноқонуний олиб ўтиш жойи сифатида фойдаланилмоқда. Бу йўналиш Жанубий-Шарқий Осиё давлатларидан бошланиб, Европага ва сўнгра АҚШгача давом этган. Бизнинг давлатимиз республикамиз орқали ўтаётган наркотик, қурол, ўқдори ва портловчи ашёларни тўхтатиш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Бунда замонавий усуллар қўлланилмоқда. Ушбу ишга хизмат қиладиган Марказ қурилишини бошлаб юбордик. Унинг биринчи босқичи шу йилнинг ноябрида тугалланади. Бу объект БМТнинг дастурига ҳам киритилган. Наркобизнесга қарши курашда биз Германия, АҚШ, Буюк Британия, Франция ва бошқа давлатлардаги касбдошларимиз билан ҳамкорликка катта умид боғлаяпмиз.

**— Республика божхона хизмати ходимларининг мутахассислик даражасини ошириш йўлида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Ғарб мутахассислари уларга бу борада кўмаклашаяптими?**

— Миллий божхона хизмати ходимлари касб маҳоратининг ошишида хорижий мутахассислар иштирокида ўтказилаётган семинарларнинг аҳамияти катта бўлаётир. Ана шу мақсадда ўқув маркази имкониятларидан тўлалигича фойдаланилмоқда. Таъкидлаш керакки, фақатгина ўтган йилда Европа ҳамжамияти билан биргаликда, хорижий божхона хизмати экспертлари иштирокида 14 та семинар ўтказилди. Бу тадбирларни амалга оширишда беғараз ёрдам кўрсатгани учун Дания, Германия, Франция, Испания божхона мутахассисларидан миннатдормиз. Бундай алоқалар бундан кейин ҳам ривожланиши, шубҳасиз.

**Суҳбатни «Халқ сўзи» ва**
**«Народное слово»**
**газеталари мухбири**
**А. ТОШКЕНБОЕВ**
**олиб борди.**



*Бу йил Ғиждувон тумани пахтакорлари 9 минг гектар майдонга «Бухоро-6» нави уруғини қадашган. Агротехник тадбирлар вақтида ўтказилаётганлиги боис ғўзалар баравж ўсаяпти.*

*СУРАТДА: С. Айний номли жамоа хўжалиги бригадири Т. Ғайбуллаев ва сувчи Ж. Хўжамуродов пайкалда.*

**Ш. ШАРОПОВ олган сурат.**

*• Хабарлар*

## ШАҲАРНИНГ ЎЗ БИРЖАСИ БЎЛАДИ

Самарқанд шаҳар ҳокимияти «Самарқандулгуржибиржасавдо» ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорликда шаҳарда мунтазам фаолият кўрсатувчи товар-хомашё биржасини очди.

Унинг ишида Самарқанддаги барча корхоналар, савдо ташкилотлари иштирок этишади. Ушбу биржа дастурига биноан брокерлар ҳар ҳафтада бир марта шаҳардаги катта ва кичик корхоналар, ташкилотларда, хусусий фирмаларда тайёрланган маҳсулотлар кўргазмасини уюштирадилар.

Бир неча кун муқаддам шаҳар биржасининг биринчи кўргазма-савдоси бўлиб ўтди. Унда нафақат республикамизнинг вилоятларидан, балки қўшни давлатлардан келган вакиллар ҳам қатнашдилар.

**М. МУҚИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ДАРОМАД ЎСДИ

Сирдарё туманидаги «Малик» ширкатлар уюшмасида Исроилнинг «Эйнав» фирмаси билан ҳамкорликда сут заводи ишга туширилди. Илгари сутнинг ҳар тоннаси хомашё сифатида 4 минг сўм даромад келтирган бўлса, эндиликда ундан турли хил маҳсулот тайёрланаёттани боис бу кўрсаткич 23 минг сўмга етди.

**О. СУЛТОНОВ,**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.**

*• Таҳририятга мактуб*

# ТАШАККУР

Журналист яхши мақоласи чиқса, эфирга кетган материали ижобий баҳо олса, ношир ва матбаачи элга манзур китоб чоп этса — ўша кун уларга катта қувонч. Лекин 27 июнь куни нишонланган касб-ҳунар байрамида куй ва қўшиқлар, табрик эшитиш ҳаммамиз учун айни муддао бўлди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни шарафига Тошкентдаги «Халқлар дўстлиги» саройида катта дастурда концерт берилди. Эл севган артистлар Теша Мўминов, Насиба Абдуллаева, Ғуломжон Ёқубов, Нуриддин Ҳайдаров, Матлуба Дадабоева, Азим Муллахонов, Гулбаҳор Эрқулова, Абдулҳай Каримов, Равшан Комилов, «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли, «Туркистон» гуруҳи санъаткорларининг дилрабо қўшиқлари ва шўх рақслари томошабинларга ғоят манзур бўлди. «Халқлар дўстлиги» саройи маъмурияти (М. Назаров, Н. Валиев, Ф. Сафоев) концертни уюштиришда амалий ёрдам кўрсатдилар.

Байрамимизни ўтказишда беминнат хизмат қилган барча кишиларга, ташкилотларга миннатдорчилик билдирамиз.

**Зиёд ЕСЕНБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Матбуотни қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқарувининг раиси.**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## ИККИНЧИ БОСҚИЧ БОШЛАНДИ

***Грозныйдан Россия Федерацияси делегацияси билан Ж. Дудаев тарафдорлари ўртасидаги музокараларнинг иккинчи босқичи бошланди.***

Музокаралар шаҳардаги Европа Ҳамкорлик ва хавфсизлик ташкилотининг Чеченистон пойтахтидаги миссияси биносида ўтказилмоқда. Унда Чеченистонда сайлов ўтказишга тайёргарлик, миллий коалицион кенгаш тузиш каби сиёсий масалалар муҳокама этилади. Россия федерал қўшинлари қўмондонлиги матбуот хизмати бошлиғи, полковник А. Витальевнинг билдиришича, музокараларнинг иккинчи давраси бошланиши арафасида Дудаев тарафдорлари Россия ҳарбий қисмларини ўққа тутган.

## ЕТТИТА ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

***Хитой Давлат Кенгаши Раиси Ли Пэннинг Москвага ташрифи ниҳоясига етди.***

Хитой Ташқи ишлар вазирлигининг вакили Шэн Гофаннинг таъкидлашича, ташриф муваффақият билан тугаган. Хитой ҳукумати раҳбари ташриф давомида Президент Борис Ельцин, Бош вазир Виктор Черномирдин билан учрашди. Музокаралар чоғида икки давлат ўртасида ҳамкорликнинг турли соҳаларига оид еттита ҳужжат имзоланди.

## ЕВРОПА... ЎН ЙИЛДАН КЕЙИН

***Франциянинг Канн шаҳрида Европа Иттифоқига аъзо бўлган 15 давлат раҳбарлари ҳамда Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Ўртаер денгизи ҳавзасида жойлашган 11 давлат бошлиқлари иштирокидаги Европа Кенгаши сессияси ниҳоясига етди.***

Унга раислик қилган Франция Президенти Жак Ширак журналистлар билан суҳбатда, сессияда давлатларнинг ягона Европа оиласини барпо этиш истаги ҳукмрон бўлди, Европа ўн йилдан кейин бирлашади, деди.

## МУЗОКАРАДАН УМИД КАТТА

***Вашингтонда АҚШ воситачилигида Исроил билан Сурия ҳарбий қўшинларининг бош штаби бошлиқлари ўртасида музокаралар бошланди.***

АҚШ расмий вакилининг айтишича, музокараларда иштирок этаётган АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер Исроил ва Сурия ўртасида ўтаётган тинчлик музокараларига катта умид боғламоқда.

## ЖИНОЯТЧИЛАР ҚОЧИБ ҚОЛИШДИ

***Германия полицияси Берлиндаги босқинчилар эгаллаб олган «Коммерцбанк» бўлими биносига тўсатдан ҳужум қилиб, гаровга олинган банк ходимлари ва мижозларининг барчасини озод этди.***

Шу мавзудаги маълумотларга қараганда, 18 соат мобайнида гаровда ушлаб турилганларнинг барчаси соғ-омон қутқарилган. Бироқ кўп миқдорда пул, автомобиль ва вертолёт талаб қилган жиноятчиларни ҳибсга олишнинг иложи бўлмади. Айни пайтда уларни қидириш ишлари олиб борилмоқда.

## КОНГРЕСС АЪЗОЛАРИНИНГ МАКТУБИ

***АҚШ Конгресси аъзолари Президент Билл Клинтонга мактуб йўллади.***

Мактубда улар Президентни Босния ва Герцеговинага қурол-яроғ сотишни тақиқлашни аста-секин бекор қилишга чақирган.

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ФИКРИ

***Шри Ланка ҳукумати қўшинлари «Тамоил илама» — «Озодлик йўлбарслари» қуролли тузилмалари билан уруш олиб боришга тайёр, деди, Президент Чандрика Кумаратунга.***

«Тамил илама» жангарилари мамлакат бўйлаб ҳарбий ҳаракатларини бошлаб юборган тақдирда ҳам биз ғалаба қиламиз», — деди у.

## МОДДИЙ ЁРДАМ КОМИССИЯ МУҲОКАМАСИДА

***Алматида Германия федерал ҳукуматининг Қозоғистон немисларига 8 миллион немис маркаси миқдорида ёрдам кўрсатиши юзасидан тузилган Қозоғистон ва Германия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.***

Германия ҳукумати вакили Вальтер Присницнинг таъкидлашича, мажлисда иккала томон ҳам Қозоғистонда яшаётган немисларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётини яхшилаш учун ҳаракат қилиши лозимлиги қайд этилган. Мажлис давомида Германиядан келаётган инсонпарварлик ёрдамидан бож солиқлари олмасликка келишилди.

## ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

***Тожикистонда дори-дармонлар ишлаб чиқарадиган йирик «Тожик-ажинтс фарма лимитед» Тожикистон-Ҳиндистон қўшма корхонаси ташкил этилди.***

Шу мақсадда Ҳиндистон ҳукумати Тожикистонга 5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Қўшма корхона 28 турдаги дори-дармон ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Дастлабки маҳсулот шу йилнинг август ойи охирларидан бошлаб ишлаб чиқарилиши кўзда тутилмоқда.

## ИНСОНПАРВАРЛИК КЎМАГИ

***Германия фуқаролари Қирғизистондаги эҳтиёжманд оилаларга ёрдам қўлини чўзмоқда.***

Куни кеча Германиядан 2 минг тонна ун ва 200 тонна кунгабоқар ёғи ортилган автомашиналар Қирғизистонга етиб келди. Мазкур озиқ-овқатларнинг барчаси Ўш ва Жалолобод вилоятларига мўлжалланган.

Кейинги икки йил ичида Германия жамоат ташкилотлари Қирғизистонга 3 миллион немис маркаси миқдорида дори-дармон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва қурилиш материаллари тортиқ қилдилар.

